

Калтафаҳмлиқ



15:05 / 20.12.2019 5233

Яқинда биттасининг гапини ўқиб қолдим: «Лохларни алдаш керак. Чунки улар шунга лойиқ».

Нақадар пасткашлиқ! Бу худди «итга ювинди бериш керак. Чунки у шунга муносиб» дегандек гап. Тўғри, ит ювиндига муносиб бўлиши мумкин, аммо гап сизнинг «**ювиндичи**» бўлишингиз ҳақида кетяпти. «Лох»лар алданишга лойиқдир балки, лекин сиз фирибгар бўлишга лойиқ эмассиз. Гўнгда юрадиган қўнғизни деб қўлингизни ахлат билан булғаманг. Майли бошқалар гўнгчи бўлаверсин, аммо сиз бундай пастликни ўзингизга эп кўрманг! Қанчалар жимжимадор кўринмасин бундай аҳмоқона гапларни ҳатто ҳазл учун ҳам айтиб юрманг, иззатингизни ўзингиз оёқ остига ташламанг!

Аҳмад Дийдот